

## ТАЛАБАЛАРДА ЭКОЛОГИК АХЛОҚИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ

### ШАКЛЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ҳамрақулов Жаҳонгир Бахтиёрович,

Фарғона давлат университети

Технологик таълим кафедраси ўқитувчиси

jahongirhamrokulov0@gmail.com

#### Аннотация

Ушбу мақолада экологик ва ахлоқий компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг педагогик зарурати, шунингдек имкониятлари, экоэтик билимларни ошириш, кўникма ва малакаларни шакллантириш, экоэтик масъулиятни қарор топтириш ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** экология, ахлоқ, этика, компетентлик, экологик вазият, экологик фаоллик, экологик этика, экологик онг, экоэтик масъулият, экологик хавфсизлик.

## ВОЗМОЖНОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ЭТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ СТУДЕНТОВ

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются педагогическая необходимость и возможности формирования и развития эколого-этической компетентности, повышения экоэтических знаний, формирования умений и компетенций, решения вопросов экоэтической ответственности.

**Ключевые слова:** экология, мораль, этика, компетентность, экологическая ситуация, экологическая активность, экологическая этика, экологическое сознание, экоэтическая ответственность, экологическая безопасность.

## OPPORTUNITIES FOR FORMING ENVIRONMENTAL AND ETHICAL COMPETENCE OF STUDENTS

#### Annotation

In this article discussed the pedagogical necessity and opportunities for the formation and development of environmental and ethical competence, improving eco-ethical knowledge, developing skills and competencies, and addressing issues of eco-ethical responsibility.

**Key words:** ecology, morality, ethics, competence, ecological situation, environmental activity, ecological ethics, ecological consciousness, eco-ethical responsibility, ecological safety.

Республикамизда экологик вазиятни назорат қилишнинг замонавий техник воситаларига эга бўлган мукамал тизимини яратиб, унинг ташкилий жиҳатларини кучайтириш долзарб муаммо бўлиб турибди. Жаҳон миқёсида, ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилаётган экологик космик назорат тизимига аъзо бўлиш имкониятларини қидириб топиш лозим. Бундан ташқари, умумий экологик вазият ҳақида ахборот маркази-экологик ахборотлар, маълумотлар банкини ташкил қилиш кун тартибда турибди. Чунки ҳозирги ахборотлар бўшлиғидан, методологик асосларнинг ночорлигидан ҳамма вақт ҳам экологик воқелик тўғри акс эттирилаётгани йўқ. Маълумотлардаги зиддиятлар, уларнинг ишончлилиқ “эффектига”, “коэффициентига” шубҳа уйғотиб, лоқайдлик, масъулиятсизлик, эътиборсизлик кайфиятларини мустаҳкамламоқда. Ахборотларни кавлаштириш ва таҳлил қилиш қонун чиқарувчи, ижро этувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришнинг илмий асосларини вужудга келтирган бўлар эди.

Талабаларни экологик вазиятни кескинлаштирувчи антропоген таъсир ҳақидаги ҳаққоний ахборотларга эга бўлиши норасмий назорат кўламини, йўналишини ва унинг натижаларига таъсир кўрсатади. Талабаларда экологик вазият ҳақида тўлиқ, объектив ахборотларнинг етишмаслиги, “информация қашшоқлиги” табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш вазифасининг ташкилий қийинчиликларини келтириб чиқаради, яъни ошкора маълумотларнинг мавжудлиги жамиятнинг “табиий муҳитга муносабатини белгалаши ва инсон соғлиғини сақлаши учун зарур”.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳамма соҳада бўлгани каби, табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилишда ҳам етарли, объектив информация бўлмаса, дезинформация вужудга келади. Шу боис талабаларда экологик вазият тўғрисида аниқ маълумотларни бўлиши уларда ахлоқий муносабатнинг шаклланишига таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, талабаларда экологик ахлоқий компетентликни ривожлантиришда улардаги экологик стереотипларни ўрганиш, ижобий жиҳатларини такомиллаштириш ва таълим тизимида фойдаланиш, салбий экологик масъулиятсизликни, худбинликни келтириб чиқарувчи, экологик муаммоларни юзага келтирувчи, лоқайдликни оширувчи стереотипларни бартараф этиш талаб этилади. Экологик стереотиплар нисбатан турғун бўлиб, олдинги авлод тажрибаларини умумлаштириш жараёнида, мавжуд экологик ҳаёт тарзининг мазмунига айланади. Экологик стереотиплар ретроспектив планда, юзаки қараганда, экологик вазиятларга мос келадиган фаоллик ва масъулиятни ҳуқуқ воситасида чегаралайдиган ҳодиса бўлиб кўринади, лекин айнан шу экологик стереотипларнинг амалда намоён бўлиши, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаоллик ва масъулиятни ифодалайди. Ваҳоланки, аксарият ҳолатларда, мавжуд адабиётларда стереотипларни ҳаётдан орқада қолган ақидавий қарашлар сифатида тушуниш устивордир.

Ижтимоий бирликларнинг мавжудлик хусусиятларига мос равишда экологик превентив назоратнинг турли услуб ва воситаларидан фойдаланувчи бевосита ёки билвосита шакллари мавжуд бўлиб, экологик нормалар, тамойиллар, тартиб-қоидалар мажбуран татбиқ этилмасдан, балки экологик онглилик, ўз-ўзини назорат қилиш – фаоллик ва масъулиятнинг зарурий шартига айланади. Маълум маънода, маъмурий ва ҳуқуқий назорат воситалари ҳамда услублари антиэкологик фаолиятни чегараласа-да, лекин экологик фаоллик ва масъулият ҳиссини кучайтиришга билвосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун бундай хатти-ҳаракатларни, шарт-шароитларини бартараф этишда фаоллик ва масъулиятни оширадиган омилларнинг ролини кучайтириш керак бўлади.

Экологик фаоллик ва масъулиятни кучайтиришнинг ҳуқуқий омиллари, ўзича, шу хислатларнинг “инсон сифатига” айланишини билдирмайди. Бунинг учун, экологик фаоллик ва масъулиятни тарбиялаш муаммосига давлат миқёсида мажмуавий-тизимли тарзда ёндашиб, уни умуммиллий мафкура ишининг марказига кўчирилиши муҳимдир. Айниқса, экологик фаоллик ва масъулият, ҳозирча, оммавий тус олмаган вазиятда, бевосита шу соҳада ишлаётган кишиларнинг касбий фаоллигини ва масъулиятини ошириш биринчи навбатдаги вазифадир. Чунки: Биринчидан, касбий даражада экологик фаоллик ва масъулиятни ошириш, шу хислатларни кенг халқ оммасига трансформация қилиш воситаси ҳисобланади. Иккинчидан, ҳозирча жамиятда унинг барча аъзоларининг экологик фаоллигини ва масъулиятини ошириш учун зарур бўлган моддий, техникавий, ташкилий имкониятлар чегараланган. Учинчидан, касбий экологик фаоллик ва масъулият, ўз «сифатига» кўра, бошқа ижтимоий қатламлар учун андоза ролини бажаради.

Хулоса қилганда, талабалар онгига, турмуш тарзига табиатни муҳофаза қилишнинг аҳамиятини сингдириш керак. Бу фаолият табиатни муҳофаза қилишнинг тарихий меросларини, кадриятларини, ворислик тамойилларига кўра, конкрет экологик вазият хусусиятларидан келиб чиқиб, ижодий ривожлантиришга асосланади. Унинг самарадорлигини кўтариш учун таълим-тарбиянинг ҳамма бўғинларини, босқичларини экологиялаштириш орқали экологик тафаккурни ривожлантириш, омманинг экологик сиёсий фаоллигини ошириш керак бўлади.

### Адабиётлар

1. Абдуллаев З. Экологические отношения и экологическое сознание. Тошкент: Зиё. – 2004.
2. Нигматов А. Экологиянинг назарий асослари. Тошкент. – 2013.
3. Нигматов А., Абдуназаров Л., Мухамедов Ш. Касбий экологик таълим ва тарбия. Тошкент: Иқтисодиёт-молия. – 2016.
4. Нигматов А.Н., Абдуназаров Л.М., Мухамедов Ш.Н. Касбий экологик таълим ва тарбия.– Тошкент: Iqtisod-Moliya. – 2016.
5. Хошимова И. Диалектика глобального, регионального и локального в экологии: Автореф. дисс. ... докт. филос. наук. – Ташкент. – 1992.